



Маълумки, видолашув ҳажи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охирида бўлган. Ўша ҳажда у зот ҳамма билан видолашганлар, «Эҳтимол, бу йилдан кейин сиз билан учрашмасман», деганлар.

Дарҳақиқат, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ҳаждан кейин вафот этдилар. У зот ана шу видолашув ҳажда кўплаб пурмаъно ваъз-насиҳат, хутба ва васиятлар қилганлар. Ушбу ҳадисда ҳам улардан айримлари айтилмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига хитоб этиб:

«Аллоҳга тақво қилинглр»;

«Беш (вақт намоз)ингизни ўқинглр»;

«(Рамазон) ойингиз(нинг рўзаси)ни тутинглр»;

«Молларингизнинг закотини беринглр»;

«Ишбошингизга итоат қилинглр»;

«Роббингизнинг жаннатига кирурсиз» дедилар.

Инсоннинг жаннатга кириши учун адо этиши зарур саналган ана ўша нарсалар ичида намознинг биринчи бўлиб зикр қилиниши унинг қанчалик аҳамиятли ибодат эканлигини кўрсатмоқда.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**